

## THEME OF LOVE IN JAFAR MUHAMMAD GHAZALS

Shahnoza Giyasova,

Guest Narzikulov

Samarkand State University

[mehmonnarzikulov@gmail.com](mailto:mehmonnarzikulov@gmail.com) +998915327703

**Annotation:** In this short article, the Tajik and Uzbek poets, scholars, and translators Jafar Muhammad (Jafar Kholmuminov) describe the love in the ghazals and turn love into an object of relationship. In his ghazals, Jafar Muhammad expresses and describes the lyrical protagonist's inner experiences and feelings, and in order to ensure the full and effective expression of this expression and description, he uses the word "love" to describe the art of imitation. how many images he loves. We conventionally divide these images into two types: images representing places of love and images representing the means of love.

**Switch key:** "Ghazal", "city of love" (city of love), "steppe of love" (steppe of love), "council of love" (land of love), "market of love" (market of love), "branch of love" (branches of love), "River of love" (sea of love), "green city of love" (green city of love), "throne of love" (throne of love), "wind of love" (wind of love), "thorn of love" (thorn of love), "tree of love" (Love cup), "love cup" (love cup), "love tumor" (love tumor), "fiqh of love" (love fiqh), "role of love" (love role), "Tahmtani ishq" (love Tahmtani) .

## ЖАЬФАР МУҲАММАД ГАЗАЛЛАРИДА ИШҚ МАВЗУСИ

Шаҳноза Гиясова,

Мехмон Нарзикулов

Самарқанд давлат Университети

[mehmonnarzikulov@gmail.com](mailto:mehmonnarzikulov@gmail.com) +998915327703

**Аннотация:** Ушбу мужаз мақолада тожик ва ўзбек тилларида ижод қилувчи зуллисонайн шоир, олим ва таржимон Жаъфар Муҳаммад (Жаъфар Холмўминов) ғазалларида ишқ мавзу майдонида ишқни образлашириш ҳамда ишқни муносабат обьектига айлантириш ходисалари кўриб ўтилади. Жаъфар Муҳаммад ўз ғазалларида лирик қаҳрамон – ошиқнинг ички кечинмалари, ботиний ҳистойғуларини баён ва тавсиф этар экан, ушбу баён ва тавсифлашнинг тўла ва таъсирчан чиқишини таъминлаш мақсадида "ишқ" сўзи иштирокида ясалган иборалар воситасида ўхшатиш санъатини кўллаб биз **ишқ образлари** деб аташимиз мумкин бўлган бир неча образлар яратади. Биз ушбу образларни шартли равишда **ишқ маконларини билдирувчи образлар** ва **ишқ воситаларини билдирувчи образлар** каби икки турга бўламиз.

**Калит сўз:** "Ғазал", "шахри ишқ" (ишқ шахри), "дашти ишқ" (ишқ дашти), "шўразори ишқ" (ишқ шўртупроқ ери), "бозори ишқ" (ишқ бозори), "шоҳсори ишқ" (ишқ шоҳлари), "дарёйи ишқ" (ишқ денгизи), "шахри сабзи ишқ" (ишқнинг яшил шахри), "арши ишқ" (ишқ арши) "боди сабойи ишқ" (ишқ шаббодаси), "хори ишқ" (ишқ тикани), "дори ишқ" (ишқ дори), "жоми

ишқ” (ишқ жоми), “тўмори ишқ” (ишқ тумори), “фиқҳи ишқ” (ишқ фиқҳи), “нақши ишқ” (ишқ нақши), “Таҳмтани ишқ” (ишқ Таҳмтани).

Жаъфар Муҳаммад ўзининг гўзал ва бетакрор ғазаллари билан узоқ тарихга эга бўлган ғазалчилик анъаналарини давом эттириб келаётган шоирлардан бири ҳисобланади. Шу чоққача форс-тожик тилидаги шеърларидан иборат бўлган “Чашми борон” [“Ёмғирнинг нигоҳи”] (Термиз, 1997), “Мижгони офтоб” [“Куёш киприклари”] (Душанбе, 1999), “Тулуъи сабзи ранг” [“Рангнинг яшил чиқиши”] (Тошкент, 2003), “Тажаллий” (Тошкент, 2008), “Ошики ишқ” [“Ишқ ошиғи”] (Тошкент, 2011), “Ҳануз ишқ...” (Техрон, 2011) ҳамда ўзбекча шеърларидан иборат бўлган “Қўзгу ҳайрати” (Тошкент, 2010) тўпламларини шеърият муҳлисларига тақдим этган ушбу шоир шеъриятида ғазал алоҳида ўрин тутувчи жанрлардан бири ҳисобланади. Адабиётшунос олим Аҳмад Абдуллоев ўзининг Жаъфар Муҳаммаднинг ilk шеърий тўплами “Чашми борон”га ёзган сўзбошисида шундай деган әди: “Жаъфар шеър йўлидан шахдам қадам ташлаб бормоқда. Унинг ғазаллари улуғларнинг ғазаллари билан ҳамоҳанглик касб этади ...”

Ҳақиқатдан ҳам Жаъфар Муҳаммад шеъриятига чуқурроқ назар ташлайдиган бўлсак, қўп асрлик тарихга эга бўлган классик форсий ва туркий ғазалнавислик анъаналарининг янгича кўринишида ушбу шоир ғазалларида қайтадан тирилаётганини кўриш мумкин. Румий, Саъдий, Ҳофиз, Бедил, Навоий, Машраб каби классик форсий ва туркий шеърият даҳолари, шунингдек Мирзо Турсунзода, Шерали Лойик, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов каби ҳозирги замон тожик ва ўзбек шеърияти дарғалари ижоди билан ҳамоҳанглик касб этган, аruz вазни қоидаларига моҳирона тарзда риоя қилинганлиги туфайли ҳам классик ғазалчилик анъанаси бузилмаган ушбу ғазалларда ҳозирги замон руҳи уфуриб туради.

Адабиётшунос олимлар Аҳмад Абдуллоев ва Жўмъақул Ҳамроевларнинг айтганларига қўшимча қилиб айтиш мумкинки, Жаъфар Муҳаммад нафакат ҳозирги замон тожик шеърияти, балки бугунги ўзбек шеъриятида ҳам ғазал жанрида қалам тебратаетган, ғазалчилик анъаналарининг давом этишига хизмат килаётган шоирлардан бири ҳисобланади.

Жаъфар Муҳаммад ғазаллари турли мавзуларда битилган бўлиб, унда азалий ишқ мавзусидан тортиб ватан ва табиат васфига, инсонлар ўртасидаги муносабатлардан тортиб борлик ва хаёт сирларини очишга, уларнинг турли жиҳатларини кўрсатиб беришга бағишлиланган ғазалларгача учрайди. Шоир ўз ғазалларида ўзининг ғазалнавислиги борасида шундай дейди:

Ғазале суруда рафтам зи дарашиб, ки беамон аст,  
Пайи жустужуий ёре, ки ҳабибу хушзабон аст.

(*Мазмуни:* Ғазал айтганча меҳрибон ва ширинсўз бўлган бир ёрни излаб, ўша бағритошнинг эшигидан чиқиб кетдим.)

Ёки:

Қасдам набуда гар дар дарраҳо ғизол,  
Дар бешаи ғазал сайёд будаам.

(*Мазмуни:* Дараларда оҳу (кийик) овлашни мақсад қилмаган бўлсан-да, ғазал ўрмонида овчига айланганман.)

Ишқ мавзуси Жаъфар Муҳаммад шеъриятида марказий ўринлардан бирини эгаллаб, инсон, ватан, ҳаёт, гўзаллик қаби мавзуларни тўлдирувчи унсур ҳисобланади. Бошқача килиб айтганда, шоирнинг нафақат ғазаллари, балки барча жанрларда ёзилган турлича мавзулардаги шеърларининг барчасида Ишқ деб аталмиш бир туйғу бўй кўрсатиб туради. Жаъфар Муҳаммаднинг ишқ олами билан яқиндан танишган киши унда ошиқнинг ўз ёрига нисбатан бўлган ишқий кечинмаларидан тортиб, шоирнинг ўз ота-онаси, яқинлари ва ватанига, олам ва ундаги барча жонли ҳамда жонсиз мавжудотларга, ҳаёт ва унинг гўзалликларига бўлган чексиз ишқининг ҳам гувоҳи бўлади.

Кўйидаги мисолларга эътибор қилинг:

То бо ту будаам, дилшод будаам,  
Аз қайди дарду ғам озод будаам.

(Мазмуни: Сен билан бўлган чоғда қўнгли шод эдим, дарду ғам зиндонидан озод эдим.)

Эй дилбари дилсўзи ман, хуш омади, хуш омади,  
Эй шамъи шомафрўзи ман, хуш омади, хуш омади.  
Бу ту насибам ох буд, бе ту дилам даймоҳ буд,  
Эй идии Наврўзи ман, хуш омади, хуш омади.

(Мазмуни: Эй юракни ўртагувчи дилбарим, хуш келибсан, хуш келибсан, // Эй шомларни ёритгувчи шамъим, хуш келибсан, хуш келибсан. // Сенсиз насибам ох эди, сенсиз дилим қишэди, // Эй менга Наврўз олиб келган тухфа, хуш келибсан, хуш келибсан.)

Жаъфар Муҳаммаднинг ўзбекча ғазалларида ҳам ошиқ қалбидаги ишқ ўтининг алангаси бор бўйича қўзга ташланиб туради:

Ҳар кишиким ул париваш зулфини ёд айлагай,  
Ақлу иймон тогини бир пасда барбод айлагай.  
Бир хиром этса агар ул сарвқомат боғ аро,  
Юз қиёматни санавбарларга бунёд айлагай...  
Топмаса гар жаннатулмаъвода Ширин ёрини,  
Дўзахийлар сингари Фарҳод фарёд айлагай.

Бу ҳолатни Жаъфар Муҳаммаднинг кўпгина ғазалларида кузатиш мумкин:

### Тонг отмади

Бир кеча ойдек тўлиб сен келмадинг, тонг отмади,  
Бир нафас меҳмон бўлиб сен келмадинг, тонг отмади  
Кўзларингга жон тасаддуқ, кўзларим кўзгусида,  
Ғунча янглиғ очилиб, сен келмадинг, тонг отмади.  
Юз жароҳатни дилимга бедариг этдинг нисор,  
Билмайин ёки билиб... Сен келмадинг, тонг отмади.  
Ўчди ўлдузлар самода, ўчмади аммо чироқ,  
Кетди Жаъфар эзилиб: Сен келмадинг, тонг отмади.

### Сени севдим

Замину осмонлардан Сени топдим, Сени севдим,  
Аёну ноаёнлардан Сени топдим, Сени севдим.

Жаҳонни сарбасар кездим, сабодек дарбадар кездим,  
Муқаддас ошёнлардан Сени топдим, Сени севдим.

На Райдансан, на Ясрибдан, на Машриқдан, на Мағрибдан,  
Магарки, Қаҳқашонлардан Сени топдим, Сени севдим.

На май қолди-ю на соғар, на девон қолди, на Жаъфар,  
Қай онларда қаёнлардан Сени топдим, Сени севдим?

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Жаъфар Мұхаммад ғазалиётида факатгина ёр, севгили, маъшуқагина әмас, балқи ота-она, ватан, халқ қаби түшунчалар ҳам ишқ, муҳаббат, севиши объектига айланади. Жұмладан, унинг “Күжө” (Қаерда), “Калиди дину дунё” (Дину дунё калити), “Дар Бухоро” (Бухорода), “Шахри сабзи ишқ” (Ишқнинг яшил шахри), “Жұғрофиёйи ишқ” (Ишқ жұғрофияси) деб номланған ғазалларида шоирнинг азиз ва муқаддас ватанимиз, унинг Бухоро, Самарқанд, Шахрисабз қаби турли шаҳарлари ва гүшаларига бўлган чексиз муҳаббати, ишқи гўзал тарзда баён этилган:

То Самарқанд ошкоро дўст медорам Туро,  
Зикр дар дил то Бухоро, дўст медорам Туро.

Аз лаби Оҳангарон то сарзамини Кешрўд,  
Дўст медорам ниgoro, дўст медорам Туро.

*(Мазмуни: Сени Самарқанд қадар ошкора севаман,  
Сени қалбимда зикр этганча, Бухоро қадар севаман.  
Оҳангарон қирғоздан Кешрўд (Қашқадарё)замини қадар,  
Сени севаман нигорим, сени севаман.)*

Жаъфар Мұхаммад ғазалларида ишқ мавзуси факатгина ошикнинг ишқи баёни билан чегараланиб қолмайды. Яъни ушбу шоир ғазалларида умумий ишқ баёнидан ташқари ишқ түшунчаси билан боғлиқ яна икки жиҳат алоҳида кўзга ташланиб туради. Бу жиҳатларнинг биринчиси ишқ билан боғлиқ образлар ёки ишқ образлари бўлса, иккинчиси ишқ муносабат объектидир. Бошқача қилиб айтганда, ушбу шоир ғазалиётидаги ишқ мавзу майдонида лирик қаҳрамоннинг ишқини баён этиш, тавсифлашдан иборат бўлган ишқ баёнидан ишқ билан боғлиқ бўлган образлар, яъни ишқ образларини яратишга, ундан сўнг эса ишқнинг ўзини муносабат объектига айлантиришга ўтиб боришнинг қуидаги ўзгариб-ривожланиб бориш жараёнини (динамикасини) кузатамиз: ишқни баён этиш → ишқни образлаштириш → ишқни муносабат объектига айлантириш. Ушбу ўзгариб-ривожланиб бориш жараёни натижасида эса Жаъфар Мұхаммад ғазалиётидаги ишқ мавзу майдонида қуидаги ҳосила вужудга келади: ишқ баёни → ишқ образлари → ишқ муносабат обьекти.

### Адабиётлар рўйхати

1. Жаъфар Мұхаммад. “Ошиқи ишқ”. Маҷмӯаи шеър. Тошканд, Интишороти “YANGI NASHR”, 2011. С. 68
2. Жаъфар Мұхаммад. “Кўзгу ҳайрати”. Шеърий тўплам. Тошкент. “TAMADDUN”, 2010. 8 – б.
3. Ҷаъфар Мұхаммад. “Тачаллӣ”. Маҷмӯаи шеър. Тошканд, Интишороти илмии давлатии “Доиратулмаорифи миллии Ўзбекистон”, 2008. С. 44.

- 
4. Жаъфар Муҳаммад. “Миҷгони офтоб”. Маҷмӯаи ашъор. Душанбе, Интишороти “Оли Сомон”, 1999. С. 55.
  5. Нажмиддин Комилов. Нур шаҳри мадҳияси. / Жаъфар Муҳаммад. Кўзгу ҳайрати. – Т.: “Тамаддун”, 2010. – Б. 3-4.